

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СОДИКОВ УЛУҒБЕК ЖЎРАЕВИЧ

**МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА МАСАЛАВИЙ ЁНДАШУВ ОРҚАЛИ
ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси(математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Содиков Улуғбек Жўраевич

Математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси.....3

Содиков Улуғбек Жўраевич

Методика развития творческих способностей учащихся на основе задачного подхода в обучении математике.....23

Sodikov Ulugbek Juraevich

The improving of creative abilities of pupils with problem approaching in teaching mathematics41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СОДИКОВ УЛУҒБЕК ЖЎРАЕВИЧ

**МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА МАСАЛАВИЙ ЁНДАШУВ ОРҚАЛИ
ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси(математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped804 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nnu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна
Педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Лутфиллаев Махмуд Хасанович
Педагогика фанлари доктори, профессор

Жуманиёзов Қудрат Сапаевич
Педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-кимё технология институту, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., проф.

Д.М.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д., (PhD)

М.Тўхтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда математика таълими соҳасини модернизациялаш, ўқитишнинг методик асосларини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда ўқувчилар амалий-илмий саводхонлигини баҳолашнинг халқаро дастури (PISA), халқаро математика ва табиий фанларнинг тенденцияларини ўрганиш маркази (TIMSS) томонидан аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг сифатини ошириш, назарий-методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга доир ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўзга ташланмоқда.

Жаҳон бўйича математика фанини ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш, таълим жараёнида фанлараро интеграциялаш имкониятларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминотни яратиш бўйича қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, математикани ўқитишда фаннинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, амалий-татбиқий ва табиий-илмий мазмундаги муаммоли вазиятларни ҳал этишда масалаларни ечишга ўргатиш методларини такомиллаштириш, фаннинг назарий асосларига оид илмий-методик ишланмаларни таълим жараёнига қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқдалар.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш, малакали кадрлар билан таъминлаш, халқаро илғор тажрибалардан мақсадли фойдаланишга қаратилган ислоҳатлар ўқув жараёнига замонавий педагогик ёндашувларни жорий этиш, ўқув-услубий таъминотни мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шунингдек, ўқувчилар ижодкорлигига йўналтирилган методларни такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, чет тиллари, информатика, математика, физика, кимё, биология фанларини чуқур ўрганишга эътибор қаратган ҳолда, ихтисослаштирилган синф ва мактабларни яратиш амалиётини кенгайтириш усули билан мактабларда таълим сифатини тубдан яхшилаш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси ва ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, математиканинг амалий-татбиқий, табиий-илмий йўналишларига эътиборни кучайтириш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, математика ўқитишнинг масалавий ёндашувга асосланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

мантикий-тузилмавий моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон ва 2018 йил 25 январдаги “Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4513-сон Фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 январдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар” таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқотлар захирасида ўқувчиларнинг математик қобилиятларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган катор ишларни санаб ўтиш мумкин:

Республикамиз олимларидан Ж.Икромов, А.А.Абдуқодиров, М.Мирзаахмедов, Д.И.Юнусова, М.Ш.Маматов, М.Раёмов, Т.Ўтапов, ва бошқаларнинг ишларида мактаб ўқувчиларида ҳамда талабаларда ижодий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари тадқиқ қилинган. Таълимда масалавий ёндашув муаммолари педагог олимлардан Н.Р.Ғайбуллаев, А.А.Норматов, Ш.Соипназаров, Т.Тўлаганов, Н.О.Эшпўлатов, Д.Махмудова, О.Бердиева, Қ.С.Жуманиёзов ва бошқаларнинг ишларида қараб чиқилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида Н.Н.Аменицкий, Г.А. Балл, Е.А.Гафарова, В.А.Гусев, О.Б. Епишева, Г.В. Дорофеев, Л.В.Занков, З.И.Калмыкова, Ю.М.Колягин, А.Г. Мардкович, Г.И.Саранцев, Л.М.Фридман, И.Ф. Шарыгин ва бошқаларнинг ишларида математика таълимини модернизациялаш, масалавий ёндашув муаммолари татқиқ қилинган.

Хорижлик олимлардан Д.Пойа, Дж. Брунер, Ж. Гилфорд, А.Ньюэлл кабилар томонидан математика таълими жараёнида муаммоли, ностандарт масалаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари татқиқ этилган.

Математика ўқитиш муаммолари доирасида изланишлар олиб бораётган олимларнинг асосий эътибори дарсликлардаги ва ўқув қўлланмалардаги масалалар таркибига ва уни модернизация қилишга қаратилганлигини кузатиш мумкин. Улар асосан, масалаларни ечишнинг алгоритмик усулини назарда тутадилар. Бу эса ўқувчиларнинг амалий, ижодий ва ахборотли фаолият кўрсатиш майдонларини ва имкониятларини торайтириб қўяди. Кейинги йилларда математика ўқитиш методикасига доир олиб борилган

тадқиқотларда “Масалавий ёндашув” мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Масалалар ечиш жараёни ўқув фаолиятининг муҳим кўринишларидан бўлиб, ўқувчилар айнан шу жараёнда назарий билимларни, математикани амалиётда қўллаш кўникмаларини чуқур эгаллашади, ижодий фаолиятлари шаклланади ва ижодий қобилиятлари ривожланади. Бу эса муаммоли вазиятларни (масалаларни) ҳал қилишда математик моделлаштиришнинг ва ностандарт масалаларнинг имкониятларидан фойдаланиш педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Психик тараққиёт ва таълим муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий-амалий асосларини таҳлилий ўрганиш;

ностандарт ва амалий-таъбиқий мазмундаги масалаларни ечишда математик моделлаштиришга ўргатиш орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

математика ўқитиш жараёнида ўқув-ижодий фаолиятини ташкил қилишнинг ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган мантиқий-тузилмавий моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган воситаларни ишлаб чиқиш асосида математикани ўқитишнинг масалавий ёндашувга асосланган ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларидаги 360 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқот предмети математика ўқитиш жараёнида масалавий ёндашув орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, анкета-сўровномалари, савол-жавоб, тест синовлари, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари масалаларнинг дидактик функцияларини (ўргатувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи ва назорат қилувчи) белгилаш асосида аниқлаштирилган;

математикани ўқитиш жараёнида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси амалий-таъбиқий мазмундаги муаммоли

вазиятларни математик моделлаштириш (микдорий ифодалаш, тавсифлаш, боғлиқликни ўрганиш)га масалавий ёндашувнинг тамойилларини (мақсадга йўналганлик, тўлалик, тизимлилик, кетма-кетлик) қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг мантиқий тузилмаси ўқув-ижодий фаолиятга масалавий ёндашувнинг алгоритмик босқичларини (масаланинг турлари, ечиш босқичлари, талаблари) интеграциялаш (мақсадга йўналтириш, тизимлаш, рефлексивлаш) асосида ишлаб чиқилган;

математикани ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти (дарс ишланмалари, ўқув, услубий қўлланмалар) ўқув материаллари мазмунига ностандарт масалаларни ечиш усуллари (таҳлил қилиш, синтезлаш, умумлаштириш, абстракциялаш, ўхшатиш, вариациялаш)ни киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчилар иждоий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган стандарт ва ностандарт масалалар тизими ишлаб чиқилди;

ўқувчилар иждоий қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича методик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун “Математика дарсларида масалалар ечиш методикаси” номли ўқув қўлланма, “Математикадан ностандарт масалалар ечиш методикаси” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-назарий ва амалий конференциялар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларида чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланма, услубий қўлланма, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг математик статистика методларни қўллаш асосида ҳамда текшириб кўрилганлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти математика ўқитиш жараёнида ўқувчилар иждоий қобилиятларини ривожлантириш муаммоси тизимли, масалавий ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосида қараб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир. Математика ўқитиш жараёнида ўқувчилар иждоий математик қобилиятини ривожлантириш кўп омилли ҳодиса бўлиб, у ўқувчи шахси, унга таъсир этиш воситалари, ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш методлари кабиларни қамраб олиши ҳамда уларни қўйилган масалага мос равишда маълум тизимда тақдим этиш зарурлиги кўрсатиб берилган. Математика ўқитишни такомиллаштириш ва ўқувчилар математик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган методик воситалар тизими ишлаб чиқилганлиги билан асосланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотларимиз давомида ўқувчиларда иждоий

фаолиятларини шакллантиришга ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ностандарт ва амалий-тадбиқий мазмундаги масалалардан иборат ўқув материаллари ишлаб чиқилди, апробациядан ўтказилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу материаллардан математика ўқитувчилари ва педагогика ОТМлари талабалари фойдаланишлари мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш босқичлари, масалаларнинг дидактик функциялари, ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг мантиқий тузилмаси, ўқув-ижодий фаолиятга масалавий ёндашувнинг босқичларига доир таклифларидан ИТД-1-14 рақамли “Узлуксиз таълим тизимида математика ва табиий фанларни ўқитишда узвийликни таъминлаш модели ва унинг дидактик таъминоти” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1530-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳа доирасида муаммоли, ностандарт математик масалаларни ечиш усулларидан фойдаланиш, амалий-тадбиқий мазмундаги масалаларни ечишни математик моделлаштириш орқали такомиллаштириш асосида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда маълум самарадорликка эришиш имконини берган;

математикани ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш методикаси, амалий-тадбиқий мазмундаги муаммоли вазиятларни математик моделлаштиришга йўналтирилган талабларга оид хулосалар ва тавсиялардан “Педагогика” таълим соҳаси 5110100 – Математика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишининг Давлат таълим стандартини (O’zDSt 2016, 36.2016) такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1530-сон маълумотномаси). Мазкур таълим стандарти математика фанидан ўқув мазмунини ишлаб чиқиш, таълим тизимида узвийлик ва фанлараро интеграцияни таъминлашга хизмат қилган;

математикани ўқитиш ўқув-методик таъминоти, ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган стандарт ва ностандарт масалаларга оид таклифлар “Математика дарсларида масалалар ечиш методикаси” номли ўқув қўлланма ва “Математикадан ностандарт масалалар ечиш методикаси” (2012 й.) номли услубий қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1530-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув материаллари математикани ўқитишда ўқувчиларда фанга қизиқишни уйғотиш, ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот

натижалари 3 та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти муфассал ёритилган, тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг баёни ва уни амалиётга жорий қилиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Математикани ўқитиш жараёнида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида илмий-методик, педагогик-психологик адабиётларда ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммолари, жамиятнинг ундаги жадал ўзгаришларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган инсонларга эҳтиёжининг ошиб бораётганлиги, ёш авлодни жамиятда ва ҳаётда тезкор ўзгараётган шарт-шароитларга мос равишда тайёрлаб бориш зарурияти мавжуд адабиётларни, директив ҳужжатлар таҳлиliga таянган ҳолда асослаб берилган.

Тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг таҳлиliga асослаиб ўқувчилар ижодий фаолиятларини шакллантириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш методлари таҳлил қилинган. Таълим жараёнида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришда фойдаланилган методларнинг аксарияти илмий билиш методлари бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат эканлиги асосланди: кузатиш, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, моделлаштириш, жумладан математик моделлаштириш, абстракциялаш, умумлаштириш, таснифлаш, аналогия, индукция, дедукция, эксперимент, тажрибалар ўтказиш ва бошқалар.

Математика ўқитиш жараёнида ўқувчилар ўқув-ижодий фаолиятининг тузилмаси ва мазмунини асослаш учун ушбу фаолиятни ташкил қилиш хусусиятлари ҳисобга олиниб “ижод”, “ижодий масала”, “ўқув-ижодий

фаолият” ва “ўқув-ижодий масала” тушунчалари таҳлил қилинди ва аниқлаштирилди.

Ўқувчилар иждодий фаолиятларини шакллантириш ва иждодий қобилиятларини ривожлантиришда мустақил фаолиятни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши асосланди.

Шунингдек, мактабда математика ўқитиш жараёнида ностандарт масалалардан фойдаланиш муаммолари таҳлил қилинди. “Масала”, “стандарт масала” ва “ностандарт масала” тушунчаларининг таърифларига ва талқинига эътибор қаратилиб, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш ва акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларда иждодий қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари кўрсатиб берилди.

Ўқувчиларнинг математик билимларни эгаллашда, мотивацияни, мустақил иждодий фаолиятни шакллантиришда ностандарт масалаларнинг ўрни муҳим эканлиги асосланган.

Масала ва иждодий масала тушунчаларининг таърифларига мос равишда бизнинг тадқиқотларимизда “ўқув иждодий масала” тушунчасига ўқувчилар учун янгилик сифатидаги мақсад каби қаралган. Ўқув иждодий масалаларни ечиш ўқувчилардан фикрлаш тажрибаларини ва амалий ҳаракатларини қўллашни талаб этади. Бу эса ўз навбатида билим, кўникма ва малакаларни фаол эгаллашга йўналтиради.

Диссертацияда ўқувчилар иждодий қобилиятларини шакллантириш бўйича асосий ёндашувлар таҳлил қилинган ҳамда муаммоли ностандарт масалаларнинг ўқувчилар қобилиятларини ривожлантиришдаги имкониятлари ҳақидаги В.А. Крутецкийнинг асосли илмий фаразига эътибор қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, математика ўқитиш жараёнида муаммоли масалалар ўқув иждодий масалаларнинг алоҳида кўринишидан иборатдир. Бундай масалаларни ечиш жараёнида олдин эгалланган билимлар ўзгаради, фаоллашади, билимларни янги вазиятда қўллай олиш тажрибаси бойиб боради, шаклланган тафаккур сифатлари ва фикрлаш кўникмалари такомиллашади.

Математика ўқитиш жараёнида ўқувчилар иждодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш учун ностандарт масалаларни ечиш жараёнида зарур бўладиган психологик, педагогик ва методик ёндашувлар тизими шакллантирилди.

Математика ўқитиш жараёнида масалалар ечиш ўқувчилар математик фаолиятини ташкил қилишнинг асосий шакли ва воситасидир. Образли қилиб айтганда, масалалар ечиш математикани ўқитишнинг ўзагини ташкил қилади. Математика ўқитишга масалавий ёндашувнинг айрим жиҳатлари хорижлик (Д.Пойа, Дж.Брунер, Ж.Гилфорд, А.Ньюэлл), ҳамдўстлик мамлакатлари (Г.А.Балл, О.Б.Епишева, З.И.Калмыкова, Ю.М.Колягин, Г.И.Саранцев, Л.М.Фридман, И.Ф.Шарыгин) ва республикамиз методист олимлари (Н.Р.Ғайбуллаев, А.А.Норматов, Ш.Соипназаров, Т.Тўлаганов,

Н.О.Эшпўлатов, Д.М.Махмудова) томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг қиёсий таҳлили диссертация матнида батафсил келтирилган.

Математика ўқитиш жараёнида масалалардан таълим мақсадини аниқлаш, таълим мазмунини белгилаш, таълим *мақсадларини* амалга ошириш, *янги мавзуни* баён қилиш, *ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини* аниқлаш, ўқувчиларда зарур *билим, кўникма* ва *малакаларни* шакллантириш ва ривожлантириш, ўтилган мавзуни *такрорлаш, умумлаштириш*, ва *мустаҳкамлаш*, ўқувчиларда *мустақил ижодий фикрлаш фаолиятни* шакллантириш, *ижодий қобилиятни ривожлантириш* ва ниҳоят ўқувчиларнинг эгаллаган *умумий билим, кўникма* ва *малакалари даражасини* ва *ҳажминини* аниқлашда фойдаланилади. Энг муҳими, ностандарт, амалий-таъбиқий, табиий-илмий мазмундаги масалалардан мақсадли равишда фойдаланиш ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, илмий дунёқарашни шакллантириш ва улардаги шахсий сифатларни ривожлантиришда энг асосий восита ҳисобланади.

Таниқли математик ва педагог Д.Пойа таъкидлаганидек, “масалани ечиш - бу нафақат стандарт масалаларни, балки, мустақил тафаккурни, соғлом, оригинал фикрлашни, топқирликни талаб этадиган масалаларни еча олиш демакдир. Шунинг учун мактаб математикаси курсининг энг асосий вазифаси масалаларни ечиш жараёнининг методик жиҳатларига эътибор қаратишдир”².

Бугунги кунда математика ўқитишнинг асосий вазифаси ўқувчилар ўқув фаолияти кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилаётганлиги туфайли *масалавий ёндашув* ғояси кенг тарқала бошлади.

Масалалар ечиш ўқув фаолиятининг муҳим кўриниши бўлиб, масалаларни ечиш давомида ўқувчилар ўқув предметини, хусусан, математиканинг назарий асослари, амалий кўникмалар, ижодий ва мустақил фикрлаш усуллари эгаллаб борадилар.

Тадқиқот давомида олинган натижалар шуни кўрсатадики, математика ўқитиш амалиётида масалалардан фойдаланишнинг юқорида келтирилган функцияларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги туфайли, масалалардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича қўшимча изланиш ва тадқиқотлар олиб борилиши зарурлиги аниқланди. Улар асосан: ўқувчи фикрлаш фаолиятининг чуқурлиги, эгилувчанлиги, барқарорлиги, анланганлиги-рефлексия, мустақиллиги кабилар эканлиги аниқланди ҳамда диссертацияда бундай кўникмаларни шакллантириш имкониятлари кўрсатиб берилди. Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишда мақсадга йўналтирилган маълум миқдордаги таянч масалалар туркумидан фойдаланиш зарурлиги *асосланди*. Масалавий ёндашувни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари *шакллантирилди*.

Тадқиқотлар давомида ўқувчиларда масалаларни ечишга умумий

² Пойа Д. Математическое открытие.-М.: Наука, 1976.-452 с.

ёндашувлар шакллантирилди, бу ерда масала таҳлил объекти сифатида татқиқ қилиниши лозимлиги кўрсатиб берилди. Бунда ўқувчининг ечиш йўлини лойиҳалай олиши ва ечиш усулини ўзи кашф этиши энг муҳим сифат кўрсаткичи эканлиги аниқланди.

Диссертация матнида мактаб математика курсининг турли бўлимларида масалавий ёндашувдан фойдаланишнинг имкониятлари баён қилинган. Масалан, геометрик масалаларни муваффақиятли ечиш учун қуйидаги тўртта жиҳат:

- масалага тегишли чизмани тўғри ва тез бажара олиш кўникмаси;
- ечиш методлари устида амаллар бажара олиши (асосан аналитик);
- назарий материалдан масалаларга ўтишни таъминловчи қандайдир *таянч* масалалар заҳирасининг мавжуд бўлиши;
- масала ечимини асослаш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш зарурлиги таъкидланган.

Хулоса қилиб айтганда, математика ўқитишда стандарт ва ностандарт, амалий-татбиқий мазмундаги масалалар барча асосий дидактик функцияларни бажариши кўрсатиб берилди. Бундан ташқари турлича масалалардан мақсадли фойдаланиш ўқувчиларда масалаларни ечишга маҳсулдор ёндашувни шакллантиради. Уларда ақлий фаолият динамиклиги (ҳаракатчанлиги), тафаккур эгилувчанлигининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси ўқувчиларда ижодий фаолиятнинг шаклланишига ва ижодий қобилиятларнинг ривожланишига, нотаниш вазиятларда ҳаракатланиш кўникмаларининг шаклланишига хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Математика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли математик масалалар ва ностандарт масалаларнинг таърифи, таснифи, хусусиятлари, математика ўқитишда бундай масалалардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти баён қилинган.

Диссертацияда ўқувчилар ижодий қобилиятларини математик моделлаштириш орқали ривожлантириш ғоясига кўра уларни ўқув фаолиятларини ташкил қилишга муаммоли вазиятларни таҳлил қилишдан ва муаммоли вазиятлардан ностандарт, амалий-татбиқий мазмундаги математик масалаларни ечиш жараёнида фойдаланилди.

Муаммоли вазият аввало ўқувчининг ижодий, эвристик фикрлаш фаолиятга йўналтиришни тавсифлайди. Ностандарт масалаларни ечиш жараёнида пайдо бўладиган янги билимларни эгаллаш учун педагогик шарт-шароит вазифасини ўтайди.

Математика ўқитиш жараёнига амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли вазиятларнинг сингдирилиши ўқувчиларда ўқув мотивларини оширади, ўқувчиларни масаланинг ечимини мустақил қидириш ва ечиш томон йўналтиради. Айнан, шундай ҳолат ўқувчиларнинг ўқув-ижодий фаолиятларини фаоллаштириш механизмидир.

Амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли вазиятларни (масалаларни) математик моделлаштиришдан фойдаланиш орқали ечиш ўқувчиларнинг қизиқишларига мос келиши лозим, уларнинг мазмуни мумкин бўлган барча ҳолларда ўқувчи ва педагогнинг ҳамкорликдаги фаолияти асосида танланиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун мактабда математика ўқитиш методикаси ўқувчилар ўқув-ижодий фаолиятини ташкил қилишнинг қуйидаги босқичларини ҳисобга олиши зарур: ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли вазиятларни аниқлашлари, таҳлил қилишлари, танлашлари ҳамда уларга таниш ва тушунарли бўлган математик аппаратдан фойдаланиш асосида муаммоли вазиятни математик моделлаштириш ва тузилган модел асосида ностандарт масалаларни ечишни амалга оширишлари керак.


Ўқувчиларни математик моделлаштиришга ўргатишда уларнинг ўқув-ижодий фаолиятларини ташкил қилишнинг методлари назарий жиҳатдан асосланди ва ўқувчилар ўқув-ижодий фаолиятни ташкил қилиш ва ўқувчилар иждодий қобилиятларини ривожлантиришнинг тузилмавий-функционал модели ишлаб чиқилди.

Математикани ўқитиш жараёнида ўқувчилар иждодий қобилиятларини ривожлантиришнинг тузилмавий моделини ишлаб чиқишда мақсадли, мазмунли, методик ҳамда мониторинг қилиш ва таҳлилий ўзгартиришлар киритиш каби компонентлардан фойдаланилди.

Қуйида математикани ўқитиш жараёнида ўқувчилар иждодий қобилиятларини ривожлантиришнинг мантиқий-тузилмавий схемаси келтирилган (1-расмга қаранг).

Бунда қуйидаги тамойилларга амал қилиш зарур бўлади: математикани ўқитиш ва ўқувчиларнинг иждодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнларининг яхлитлигини таъминлаш; иждодий фаолиятларни шакллантириш жараёнида онглилик ва фаолликнинг таъминланиши; амалий-татбиқий мазмундаги ностандарт масалаларнинг қийинлик даражасини изчил ошириб бориш; амалий-татбиқий, муаммоли масалаларнинг сюжетини узлуксиз ўзгартириб бориш; амалий-татбиқий масалаларнинг мазмунини ўқувчилар ёш хусусиятлари, билиш эҳтиёжлари ва қобилиятларига мослиги; юқорида келтирилганларга мос равишда ўқувчилар ўқув-ижодий фаолиятини ривожлантириш жараёнига оддий ижрочилик фаолиятдан фаол ижрочилик фаолиятига, ундан мустақил ва мустақил иждодий фаолият томонга ўтишни таъминланиши.

Амалий-татбиқий ва табиий-илмий (физика, кимё, биология, география, иқтисодиёт ва ҳоказо) мазмундаги муаммоли матнли масалаларни математик моделлаштириш орқали ечишнинг босқичлар бўйича қиёсий таҳлилинини қуйидаги биринчи жадвалдаги кўринишда келтирилди.



1-расм. Ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг мантиқий-тузилмавий модели

Амалий–татбиқий, табиий-илмий мазмундаги масалаларни ечишнинг босқичлари	Масалаларни ечиш давомида ўқувчиларда ижодий фаолият усуллари эгаллашлари учун зарур бўладиган асосий билим, кўникма ва малакалар тизими
I. Математик моделлаштириш босқичи	1)ўрганилаётган жараённинг муҳим томонларини ажрата олиш кўникмаси; 2)математик моделларни ифодалай олишнинг турли тилларини (алгебраик, геометрик, в.х.к.) билиш ва улардан фойдаланиш; 3)ҳар қандай математик модел маълум даражадаги аниқликка эга бўлишини билиш; 4) четлашишларни ажрата олиш ва уни баҳолашнинг оддий усуллари кўллаш олиш кўникмаси; 5)ўрганилаётган таркибий элементларни ажрата олиш ва уларнинг ўзаро алоқадорликларини баҳолай олиш кўникмалари.
II. Масалани модел ичида ечиш босқичи	1)масалани ечишнинг йўлини танлай олиш кўникмаси; 2) масалани ечиш жараёнининг боришини таҳлил қила олиш кўникмаси; 3)масалани босқичлар бўйича ечишни лойиҳалай олиш кўникмаси; 4)дедуктив хулосалар чиқариш малакаларини эгаллаганлиги.
III. Интерпретациялаш (тавсифлаш) босқичи	1)умумий тасдиқлардан хусусийларига ўтиш кўникмаларининг эгалланганлиги; 2) хусусий масалалар ечимларининг табиатини тушуниш, билиш.

Амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли масалаларни ечиш ўқувчилар тафаккурининг ўсишига, функционал боғланишлар ғоясини чуқур эгалланишига хизмат қилади. Бундай масалаларни ечиш жараёнида ўқувчиларда реал объектлар, ҳодиса ва жараёнларни математик моделлаштириш кўникма ва малакалари шаклланади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантиради ва ижодий қобилиятларни ривожлантиради.

Амалий-татбиқий мазмундаги масалаларни ечишга ўргатишнинг маълум усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Амалий-татбиқий мазмундаги масаланинг матнини ўқий олиш кўникмаларини шакллантириш усуллари;
2. Масаланинг шарт ва саволларини ажрата олиш кўникмаларини шакллантириш;
3. Масала шартини қисқартирилган ёзувлар асосида расмийлаштиришга ўргатиш усуллари;
4. Масала матнига кўра чизмаларни (расмларни) бажаришга ўргатиш усуллари.

Амалий-татбиқий масалаларни математик моделлаштириш асосида ечишда асосан, тенглама, тенгсизлик ва функция тузиш каби методлардан фойдаланилади. 1-жадвалда келтирилган босқичлар ва унга мос билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш имкониятларини баён қилиш учун қуйидаги амалий-татбиқий мазмундаги масалани ечишни кўриб чиқамиз.

1-масала. Тўғри тўртбурчак шаклдаги спорт майдончасининг юзаси 840 м². Агар майдончаннинг узунлиги 5 м га камайтирилиб, унинг энини 4 м га оширилса, берилган майдончага тенг юзали майдон ҳосил бўлади. Спорт майдончасининг ўлчамларини топинг.

Ушбу масалани тенглама тузиш, яъни математик моделлаштириш методидан фойдаланиб унинг тенгламасини (моделини) тузишнинг 3 та усулини кўрсатамиз. Масалани ечишнинг биринчи усули қуйидагича амалга оширилади.

Ечиш: Спорт майдончасининг кенглиги a (м), узунлиги b (м) ва майдончаннинг юзаси S (м²) бўлсин. Маълумки, улар $ab=S$ кўринишдаги боғланишга эга. Агар x орқали майдончаннинг кенглигини ифодаласак, у ҳолда юқорида келтирилган муносабатни ҳисобга олган ҳолда танланган номаълум учун тузилган тенгламаси қуйидагича $\frac{840}{x} - 5 = \frac{840}{x+4}$ (1) бўлади. Бу ерда биз берилган реал ҳолатни математика тилига кўчирдик. Бундай ҳолда берилган жараённи математик модели (1) тенгламадан иборат бўлади. Бунда 1-жадвалда келтирилган билим, кўникма ва малакалар зарур бўлади.

Масалани ечишнинг иккинчи босқичида эса зарур билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиб тенглама (модел) ечилади. Бу босқични масалани модел ичида ечиш дейилади.

Амалий-татбиқий масалани ечишнинг 3-босқичини интерпритация (изоҳлаш) босқичи деб атаймиз. Бу босқичда масалани ечиш дастлабки вазият нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Бу ерда юқорида қайд этилган амалий-татбиқий масалаларни ечишнинг 3-босқичида зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалардан фойдаланилади.

Берилган амалий-татбиқий мазмундаги масалани ечишнинг иккинчи усули. Энди ўқувчилардан масала шартдаги бошқа параметрдан фойдаланиб, бошқа катталикларни таққослаш асосида янги тенглама тузиш сўралади. Бундай танлашни қуйидагича расмийлаштириш мумкин.

Тенгламаси $840 = \left(\frac{840}{x+4} - 5\right)(x+4)$. Бу тенглама юзаларга нисбатан тузиш

мумкинлигини кўрсатади. Бу ерда ҳам биринчи жадвалда келтирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуасидан фойдаланилди.

Берилган масалани ечишнинг 3-усули: Ўқувчиларга мақсадга йўналтирилган саволлар бериш, муаммоли вазиятни яратиш орқали тенгламалар системаси

$$\begin{cases} xy = 840 \\ (x+4)(y-5) = 840 \end{cases} \text{ кўринишда ҳосил қилинади.}$$

Бундай масалаларни ечиш орқали амалий-татбиқий, табиий-илмий мазмундаги муаммоли вазиятларни моделлаштиришда бир неча хил усуллардан фойдаланиш мумкинлигини намоёйиш этилади.

Масалани бир неча усулда ечиш ўқувчиларда таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш каби қатор ижодий фаолият усулларининг шаклланишига имконият яратилади.

Диссертация матнида амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли масалаларни ечишга ўргатиш методлари, уни қўллаш босқичлари, ҳар бир босқичда зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари батафсил баён қилинган.

Математика ўқитиш методикасини муаммоли вазиятларни математик моделлаштириш асосида ривожлантириш учун муаммоли, тўғри ақлий ҳужум, тесқари ақлий ҳужум, эвристик ва тадқиқий методларни қўллаш имкониятларидан фойдаланиш мумкинлиги асосланди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба – синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижалари таҳлили”** номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда тажриба-синов ишларининг натижалари ва таҳлили берилган. Амалий-татбиқий ва ностандарт математик масалалардан фойдаланиш орқали ўқувчилар ижодий фаолиятларини шакллантириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини олиб бориш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари орасида суҳбат ва сўровномалар ўтказилди ҳамда натижалар таҳлил қилинди. Тажриба-синов ишларини олиб боришда Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 38-, Тошкент вилояти Ангрен туманидаги 18- ҳамда Наманган вилояти Чуст туманидаги 33-, Тошкент шаҳридаги 106-, халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ва аниқ фанларга ихтисослаштирилган умумуй ўрта таълим мактаблари тажриба-синов майдончалари сифатида танланиб, маълум тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари мактабларнинг 7-9-синфларида иккитадан параллел синфларни танлаш асосида олиб борилди. Назорат синфларида ўқитиш жараёни анъанавий дарс асосида амалга оширилган бўлса, синов гуруҳларида биз таклиф этган ўқитиш методикаси асосида ўтказилди. Биз тажриба-синов натижаларининг аниқлигини

таъминлаш учун математик-статистик усулларидан бири бўлган Пирсоннинг хи-квадрат мезонидан фойдаландик.

2-жадвал

Тажриба синов жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижалари

Гуруҳлар		Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари				Ўқувчилар сони
		0-54%	55-70%	71-85%	86-100%	
СГ	ТБ	32	52	73	24	181
	ТО	12	26	92	51	181
НГ	ТБ	30	55	71	23	179
	ТО	32	50	73	24	179

3-жадвал


Тажриба синов натижасида олинган умумий натижалар

	Синов гуруҳи n=181				Назорат гуруҳи m=179			
	5	4	3	2	5	4	3	2
Баҳо қиймати	5	4	3	2	5	4	3	2
Мос баҳолар сони	51	92	26	12	24	73	50	32
Баҳоларнинг ўрта арифметик қийматлари	$\bar{x} = 4$				$\bar{y} = 3,5$			
Самарадорлик коэффиценти	$k = \bar{x} / \bar{y} = 1,14$							
Ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$3,88 \leq \bar{x} \leq 4,12$				$3,36 \leq \bar{y} \leq 3,64$			

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, синов ва назорат гуруҳлари ўқувчилари ижодий қобилиятлари ривожланишининг ўртача даражаси тажриба-синов охирида сезиларли фарқ қилганлиги кўриниб турибди.

Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт томонидан баҳолаш усулларини қўлладик.

Демак, ўқувчилар ижодий қобилиятларининг ривожланиши ва ўзлаштириш даражаси масалали ёндашув яъни, амалий-татбиқий, ностандарт мазмундаги масалаларни ечиш жараёнида муайян даражада ошди. Мактаб математикасида масалавий ёндашувдан фойдаланиш орқали ўқитиш сифати, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи борасида ижобий натижаларга эришилди. Уларнинг статистик таҳлили 2-расмда келтириб ўтилган.



2-расм. Педагогик тажрибанинг умумий статистик таҳлили диаграммаси.

Умумтаълим мактабларида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва ўзлаштириш даражаси назорат гуруҳи ўқувчиларига қараганда синов гуруҳи ўқувчиларида ўртача 14 фоизга ошганлигини кўрсатади. Бу эса мактаб математикасини ўқитишда масалавий ёндашув орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини исботлади.

ХУЛОСАЛАР

Математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси мавзусида олиб борилган илмий-назарий ва услубий-амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Психологик-педагогик ва илмий методик адабиётларни таҳлил қилиш асосида ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш муаммосининг ҳозирги кундаги аҳволи муфассал ўрганилди. Жумладан, ўқувчиларни ностандарт масалаларни ечишга ўргатиш уларда таянч билим кўникма ва малакаларни шакллантириш зарурлигини тақазо қилиши аниқланди. Ижодий қобилиятларни ривожлантириш ўқувчиларда таъсирчан мотивларни тарбиялаш, ўз кучига ишонишни шакллантириш, дарс давомида ижобий психологик муҳитни, математикани ўрганиш ва ўқув фаолиятини эгаллашга интилишни тақазо этади.

2. Ўтказилган таҳлилий, илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар асосида мактабда математика ўқитиш давомида ўқувчилар ижодий фаолиятни шакллантириш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришда масалавий

ёндашув методологик асос бўлиб хизмат қилиши аниқланди. Ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар, мавзуга оид илмий изланишларнинг натижаси шуни кўрсатдики, дастлабки илгари сурилган илмий фараз тўла ўз тасдиғини топди.

3. Математика ўқитиш жараёнида ўқувчиларни тизимли, мунтазам мақсадга йўналтирилган ҳолда ностандарт, амалий-татбиқий мазмундаги муаммоли математик масалаларни математик моделлаштиришга ўргатиш уларда ижодий сифатларни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши аниқланди. Бундай масалалардан фойдаланиш ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилиб, эгалланган билимлар, тажрибалар ва шахсий сифатлари уларда масалаларни ечиш ғояларини шаклланишига, ўз хатти-ҳаракатларини прогнозлаш, назорат қилиш ва фаолиятларини танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантиради.

4. Ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг тузилмавий-функционал модели ишлаб чиқилди.

5. Ўқувчиларда билишга қизиқиш, мустақиллик ва маънавий, ижодий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган ностандарт, амалий-татбиқий мазмундаги масалалар тизими ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Амалий – татбиқий мазмундаги масалаларни математик моделлаштириш орқали ечишнинг босқичлари ишлаб чиқилди ва ҳар бир босқичда зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар кўрсатиб берилди.

6. Ўқитувчилар учун ностандарт ва амалий-татбиқий мазмундаги масалалардан фойдаланиш методикаси шакллантирилди ва зарур тавсиялар берилди.

7. Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди. Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичи ностандарт ва амалий-татбиқий мазмундаги масалалардан мақсадга йўналтирилган ҳолда мунтазам фойдаланиш ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг самарали воситаси эканлиги асосланди.

ТАВСИЯЛАР

Ўтказилган тадқиқотлар давомида олинган натижалар тадқиқотнинг аҳамиятини кўрсатиш билан бирга ушбу тадқиқотда қўйилган муаммонинг ечимида тўла –тўқис эмаслигини кўрсатди. Фикримизча, мавзуга оид кейинги тадқиқотларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мактаб ва академик лицей ўқувчиларининг дарсда ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур бўладиган мукамал масалалар тўпламини яратиш;

-математика ўқитиш жараёнида ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ўқувчилар шахсий-маънавий сифатларини шакллантиришга таъсирини махсус татқиқ қилиш зарурати мавжуд;

- тадқиқотларимиз давомида олинган натижалар келгусида ўқувчилар ижодий фаолиятларини шакллантириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича илмий асосланган концепция ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини, айниқса, ўқувчилар ижодий тафаккурини ривожлантириш йўналишидаги тадқиқотларни янада кенгроқ доирада ишлаб чиқилиши зарурати мавжуд.

**УЧЁНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ЗА
НОМЕРОМ DSc.28.12.2017.Ред.01.09**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

СОДИКОВ УЛУГБЕК ЖУРАЕВИЧ

**МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ
УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ЗАДАЧНОГО ПОДХОДА В ОБУЧЕНИИ
МАТЕМАТИКИ**

13.00.02 – теория и методика преподавания и воспитания (математика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент-2020

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Ped804.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице www.nuu.uz и на Информационном образовательном портале www.ziyounet.uz.

Научный руководитель: **Рузиева Дилноз Исомжонова**
Доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Лутфиллаев Махмуд Хасанович**
Доктор педагогических наук, профессор

Жуманиёзов Қудрат Сапаевич
Кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 по присуждению учёных степеней при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-4. Тел.: (998) 71- 246-67-35; факс: (998) 71- 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за №___). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, д.4. Тел.: (998) 71- 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2020 года).

М.Арипов

Председатель научного Совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф-м.н. профессор

Д.М.Махмудова

Ученый секретарь научного
Совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.п.н., (PhD)

М.Тухтасинов

Председатель научного семинара при
научном Совете по присуждению
учёных степеней, д.ф-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктор философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире, согласно тенденциям современного развития, особое внимание уделяется совершенствованию практики модернизации сферы метематического образования, и методических основ преподавания. В развитых странах бросаются в глаза работы международного центра оценки практико-научной грамотности учащихся (PISA), центра изучения тенденций международных математических и естественных наук (TIMSS), которые ведутся по повышению качества преподавания конкретных и естественных наук, совершенствованию теоретико-методологических и методических основ, внедрению в практику подходов, направленных на развитие у учащихся творческих способностей.

По всему миру ведутся исследовательские работы по повышению качества преподавания математики, внедрению в образовательный процесс передовых педагогических технологий, использованию в образовательном процессе возможностей межпредметных интеграционных процессов, созданию методического обеспечения, направленного на развитие творческих способностей учащихся. Так например, важное значение имеет эффективное использование возможностей науки, при преподавании математики, совершенствование методов обучения по решению задач при решении проблемных ситуаций практико-прикладного и естественно-научного содержания, использование в образовательном процессе научно-методических разработок по теоретическим основам науки.

В нашей стране реформы, направленные на реформирование системы общего среднего образования, обеспечение её квалифицированными кадрами, целенаправленное использование международного передового опыта, расширяют возможности внедрения в учебный процесс современных педагогических подходов, укрепления учебно-методического обеспечения, развития самостоятельного мышления учащихся. Вместе с этим, возникает необходимость совершенствования методов, направленных на творчество учащихся. В Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года «совершенствование методик преподавания, поэтапное внедрение принципов индивидуализации учебно-воспитательного процесса; кардинальное улучшение качества образования в школах путем расширения практики создания специализированных классов и школ с акцентом на углубленное изучение иностранных языков, информатики, математики, физики, химии, биологии»¹. В этом направлении важное значение имеет решение таких задач, как, совершенствование методики развития творческих возможностей учащихся и учебно-методического обеспечения, усиление внимания к практико-прикладной и естественно- научной направленности математики, разработка логически-

³ Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» № уп-5712 от 29 апреля 2019 года. – Национальная база данных законодательства РУз № 06/19/5712/3034? 29/04/2019г.

структурной модели, основанной на задачном подходе при преподавании математики.

Данное исследование диссертации в определённой степени будет служить решению задач поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, а также в Указе от 25 января 2018 года УП-4513 “О мерах по коренному совершенствованию системы среднего, средне-специального и профессионального образования”, а также, решении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 января 2017 года за №-187 “ Об утверждении Государственных стандартов образования в системе среднего, средне-специального и профессионального образования”, а также, в других нормативно- правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. “Формирование духовно-нравственного и культурного развития демократического и правового общества, инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы. В резерве научных исследований можно найти ряд работ посвящённых проблемам развития математических способностей учащихся:

В работах учёных республики, таких как, Ж.Икромов, А.А.Абдукодиров, М.Мирзаахмедов, Д.И.Юнусова, М.Ш.Маматов, М.Раемов, Т.Ўтапов и других были исследованы теоретические и практические основы формирования у учащихся школ и студентов навыков творческой деятельности.

Проблемы задачного подхода в образовании были рассмотрены в трудах Н.Р.Гайбуллаева, А.А.Норматова, Ш.Соипназарова, Т.Тулаганова, Н.О.Эшпулатова, Д.М.Махмудовой и других.

В странах Содружества Независимых Государств, в трудах таких учёных, как Г.А. Балл, Г.Ф.Валиева, А.Н. Колмогоров, Е.А.Гафарова, В.А.Гусев, Х.Ж.Ганиев, О.Б. Епишева, Г.В. Дорофеев, Л.В.Занков, З.И.Калмыкова, Ю.М.Колягин, А.Г. Мардкович, Г.И.Саранцев, М.Н.Скаткин, Л.М.Фридман, И.Ф. Шарыгин и другие были рассмотрены проблемы модернизации математического образования и задачного подхода.

Из зарубежных учёных, таких как, Д.Пойа, Дж. Брунер, Ж. Гилфорд, Ж.Резнулли, А.Ренье и другие, были исследованы проблемы использования, в процессе математического образования, проблемных, нестандартных задач и возможности их использования.

